# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2011 йил 20 июль, № 141 (5308) Чоршанба

## ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МУҲИМ КАФОЛАТИ

***Президентимиз Ислом Каримов томонидан эълон қилинган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида Ўзбекистонда амалга оширилаётган давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда жамиятни модернизация қилишнинг энг муҳим ва устувор йўналишлари белгилаб берилди.***

**КОНЦЕПЦИЯ: устувор вазифалар**

Хусусан, Юртбошимиз суд-ҳуқуқ тизимини янада либераллаштириш бўйича бажарилиши лозим бўлган вазифалардан бири сифатида тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш принциплари, асослари, шакл ва услублари, уни олиб борадиган органлар тизимини белгилаб берадиган “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунини қабул қилишни таклиф этдилар. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бу қонунни қабул қилиш ва амалиётга жорий этишдан мақсад тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, қонунга риоя қилишнинг реал ҳуқуқий кафолатларини яратишдир.

“Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни бу соҳадаги фаолиятнинг янада либераллашувига хизмат қилади ва у демократик давлатларнинг умумэътироф этилган андозаларига ҳар тарафлама мос равишда, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини жиноий тажовузлардан ҳимоялаш масалаларини ўзида қамраб олади.

Ҳозирги пайтга қадар тезкор-қидирув фаолияти Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал, Жиноят-ижроия кодекслари ва “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг айрим моддалари ҳамда тегишли идоравий ҳужжатлар асосида амалга оширилмоқда. Шу боис “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини қабул қилиш зарур ва долзарб аҳамиятга эгадир.

Қонунда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, авваламбор, ички ишлар идораларининг фаолиятида ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган қонунийлик ҳамда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этиш принципларининг назарда тутилиши катта аҳамият касб этади. Зеро, қонунийлик принципи тезкор-қидирув фаолиятини ўтказишда мазкур фаолиятни амалга оширувчи органлар ҳамда уларнинг мансабдор шахслари томонидан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал, Жиноят-ижроия кодекслари ва бошқа қонун ҳужжатлари талабларига қатъий амал қилинишини таъминласа, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этиш принципи фуқароларнинг халқаро ҳужжатларда, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда бошқа қонун ҳужжатларида мустаҳкамланган, олий қадрият деб эътироф этилган ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлайди.

(Давоми 2-бетда).

## НАВОИЙДА ТИББИЁТ ҲАФТАЛИГИ

***Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар тиббиёт муассасалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, халқимизга кўрсатилаётган тиббий хизмат кўлами ва сифатини ошириш, репродуктив саломатликни таъминлашга хизмат қилмоқда.***

Бу жараёнда аҳоли ўртасида тиббий кўрикларни ташкил этиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, тиббий маданиятни ошириш юзасидан олиб борилаётган чора-тадбирлар муҳим аҳамият касб этаётир.

Ана шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан Республика ихтисослаштирилган кардиология марказининг бир гуруҳ малакали шифокорлари Навоий вилоятида соғломлаштириш ҳафталигини ўтказмоқда. Кардиолог, терапевт, невропатолог ва яна бир қатор мутахассислар ҳафталик давомида вилоят шаҳар ҳамда туманларининг энг чекка ҳудудларида бўлиб, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга кўмаклашади. Тадбирнинг дастлабки кунида Навоий шаҳри ва Кармана тумани аҳолиси учун тиббий кўрик ташкил қилинди.

(Давоми 2-бетда).




***Иқтисодиётимизга хорижий сармояларни жалб этишга қаратилаётган катта эътибор ва яратилаётган қулай инвестициявий муҳит мамлакатимизда қўшма корхоналарнинг тобора ривожланиб боришида муҳим омил бўлиб хизмат қилаётир. Бу борада Наманган вилоятида ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.***

## ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН ИМКОНИЯТЛАР САМАРАСИ

Бугунги кунда вилоятда хорижий инвестиция иштирокидаги элликдан ортиқ корхона фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг 42 таси саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга, 3 таси савдо ва хизмат кўрсатиш, 3 таси қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, 4 таси телекоммуникациялар, 2 таси қурилиш материаллари ва биттаси фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган. Жорий йилнинг биринчи чорагида мазкур қўшма корхоналар томонидан 35,9 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 126,4 фоизни ташкил этди ва вилоятдаги жами саноат маҳсулотларининг 16,2 фоизи, экспортнинг 59 фоизи улар ҳиссасига тўғри келди.

Швейцариялик ҳамкорлар билан биргаликда ташкил этилган “Нестле Ўзбекистон” қўшма корхонаси ҳам барқарор ривожланиш йўлидан бораётган, мамлакатимиз иқтисодиётини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшиб келаётган корхоналар сирасига киради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 14 октябрда қабул қилинган “Нестле Ўзбекистон” Ўзбекистон — Швейцария қўшма корхонасини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори асосида 30 миллион АҚШ долларига тенг хорижий сармоя муддатидан олдин ўзлаштирилиб, 2002 йилда болалар озиқ-овқатлари, сут маҳсулотлари ва экологик тоза, фойдали элементлар билан тўйинтирилган сув ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Марказий Осиёда ягона бўлган мазкур корхона маҳсулотлари юқори сифати билан ички ва ташқи бозордан мустаҳкам ўрин олди. Бу ишлаб чиқариш ҳажмининг йил сайин ортиб боришида катта аҳамият касб этди. Корхонада дастлабки йили 7 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, 2010 йилда мазкур кўрсаткич 59 миллиард сўмга етди. Жорий йилда эса корхона жамоаси ишлаб чиқариш ҳажмини 80 миллиард сўмга етказиш мақсадида ғайрат-шижоат билан меҳнат қилмоқда.

Корхонада экспорт ҳажмини оширишга қаратилаётган эътибор туфайли Афғонистон, Туркманистон, Қирғизистон давлатларига маҳсулот сотиш ҳажми йилдан-йилга ортиб бораётир. Ўтган йили ташқи бозорга 3,2 миллион АҚШ доллари миқдорида маҳсулот чиқарилди.

(Давоми 2-бетда).

## МАМЛАКАТИМИЗ СУВ ХЎЖАЛИГИДА МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР ЯНАДА КЎПАЯДИ

***Тошкентда Ўзбекистон билан Швейцария ўртасида “Ўзбекистонда сув хўжалиги соҳасида касб кўникмаларини ривожлантириш” лойиҳасини амалга ошириш тўғрисидаги битим имзоланди.***

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида ушбу битимни имзолашга бағишланган учрашув бўлиб ўтди. Тадбирда мазкур вазирликнинг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси вакиллари ҳамда швейцариялик мутахассислар иштирок этди.

Анжуманда “Ўзбекистонда сув хўжалиги соҳасида касб кўникмаларини ривожлантириш” лойиҳаси мамлакатимизда таълим сифатини янада ошириш, замонавий билимларни ҳар томонлама пухта эгаллаган, меҳнат бозорида талаб юқори бўлган янги авлод кадрларини тарбиялаш бўйича Президентимиз Ислом Каримов томонидан белгилаб берилган вазифаларга тўла мос келиши таъкидланди. Лойиҳадан кўзланган мақсад касб-ҳунар коллежлари ва сув ресурсларини бошқарувчи корхоналар ўртасида ушбу муҳим соҳа учун жаҳон стандартлари даражасидаги профессионал кадрлар тайёрлаш ва уларни қайта тайёрлаш борасидаги ҳамкорликнинг янги моделини яратишдир. Лойиҳани татбиқ этиш жараёнида, шунингдек, сув таъминоти объектларини таъмирлаш ва уларга хизмат кўрсатиш билан шуғулланувчи кичик ва хусусий корхоналар ҳам бевосита иштирок этади. Бу эса касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини юқори малакали кадрлар билан таъминлаш масалаларини ҳал этишга хизмат қилади.

(Давоми 2-бетда).

## БИЛИМ, ИНТИЛИШ, ИСТИҚБОЛ

***Бугун юртимизда юз минглаб абитуриентлар учун айни қизғин тайёргарлик палласи давом этмоқда. Олий таълим муассасаларида ҳужжат қабул қилиш жараёнлари якунланиш арафасида, тест синовлари эса тобора яқинлашаяпти.***

**Жараён**

*Мухбиримиз Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази директори Баҳром ИСМОИЛОВ билан мамлакатимиздаги олий таълим муассасалари (ОТМ)да бўлиб ўтадиган бу йилги кириш имтиҳонлари хусусида суҳбатлашди.*




— Аввало, шуни таъкидлаш жоизки, Президентимизнинг “2011 — 2012 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида”ги қарорида ОТМларга абитуриентларни қабул қилиш квотаси белгилаб берилган, — дейди Баҳром Маҳмудович. — Ўтган йил билан солиштирганда, бу йил замон талабларидан келиб чиқиб, янги таълим йўналишлари ва ихтисосликлари жорий қилинди. Хусусан, магистратура учун кўпроқ ўрин ажратилди. Бакалаврларни тайёрлаш бўйича квота миқдори эса ўзгартирилмади. Яъни ОТМларнинг бакалавриат босқичига 56607 нафар ўғил-қиз қабул қилинса, уларнинг 19560 нафари давлат грантида ва 37047 нафари шартнома бўйича таҳсил олади.

Юртбошимизнинг мазкур қарори асосида тест синовларини ташкил этиш ҳамда юқори савияда ўтказиш борасидаги ишлар якунланиш арафасида турибди. Шу жумладан, тестлар бўлиб ўтадиган аудиториялар тайёрлаб қўйилди. Айни чоғда тест жараёнларини назорат қилиб борадиган аудитория раҳбарлари ва кузатувчилари таркиби шакллантирилди.

Тест ўтказиш жараёнлари билан боғлиқ ўзгаришлар йўқ. Одатдагидек, абитуриентларга учта фандан жами 108 та тест саволи тақдим этилади. Ҳар бир саволда тўртта жавоб варианти кўрсатилган бўлиб, улар орасидан биттасини танлаш лозим бўлади. Муддатли ҳарбий хизматдан тавсиянома билан қайтган фуқаролар учун энг юқори баллнинг 25 фоизидан иборат имтиёз бу йил ҳам сақланиб қолди.

Шу ўринда тест ўтказиш билан боғлиқ бир қатор қоидалар такомиллаштирилганлигини ҳам айтиб ўтмоқчиман. Масалан, энди тест пайтида нафақат шпаргалка ва уяли алоқа воситасидан фойдаланиш, балки уларни ичкарига олиб кириш ҳам абитуриентни имтиҳондан четлатишга асос бўлади.

(Давоми 2-бетда).

## Қисқа сатрларда

**Воқеалар, янгиликлар, хабарлар**

● Хатирчилик Абдумурод Қозоқов ўз корхонасида қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. 50 миллион сўмлик маблағ эвазига келтирилган замонавий технологиялар ёрдамида бу ерда йилига беш юз минг дона шлакоблок ва 15 минг квадрат метр йўлак қопламалари тайёрлаш имконияти юзага келди.

● **Шаҳрихон туманидаги Абдубий қишлоғида йодланган ош тузи ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган янги технологик линия ишга туширилди. Тадбиркор Алижон Маматов саъй-ҳаракати билан амалга оширилган лойиҳа туфайли бежирим халтачаларда дастлабки 100 тоннадан ортиқ қадоқланган ош тузи сотувга чиқарилди.**

● Учкўприк туманидаги “Меҳригиё” корхонасида қиймати 70 миллион сўмлик модернизация тадбирлари амалга оширилди. Натижада бу ерда тайёрланаётган маҳсулотлар тури кўпайди. Хусусан, “Меҳригиё” ёрлиғи билан 30 хилдаги биологик қўшилмалар, 42 турдаги истеъмол чойлари ва 18 турдаги шифобахш ёғлар ишлаб чиқарилиб, мамлакатимизнинг турли ҳудудларидаги дорихоналарга етказиб берилмоқда.

● **Бойсун туманидаги Гулматак тоғ қишлоғида жойлашган 53-умумтаълим мактаби жамоаси қаровсиз ётган ерни ўзлаштириб, боғ барпо этди. Ҳозир бу ерда икки мингдан ортиқ турли мевали кўчатлар парвариш қилинмоқда.**

● Термизлик тадбиркор Ойнахол Мўминова банкдан олган 55 миллион сўмлик кредити ҳамда ўзининг 30 миллион сўмлик маблағи эвазига тикувчилик цехини ташкил этди. Ҳозир 10 нафар хотин-қиз меҳнат қилаётган ушбу цехда ойига 15 миллион сўмликка яқин турли кийим-кечаклар, чойшаблар ҳамда ёстиқ жилдлари тайёрланмоқда.

**«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.**

## Замонавий спорт иншоотлари — ёшларга

**Бир рақам шарҳи**

Мамлакатимизда **2011** йилнинг биринчи чорагида болалар спорти объектларини қуриш ва реконструкция қилишга йўналтирилган капитал қўйилмалар ҳажми **18,4** **миллиард сўмни ташкил этди.**

*Давлатни ҳеч бир нарса спортчалик тез машҳур қила олмайди. Зеро, Истиқлолнинг дастлабки йилларидаоқ Президентимиз раҳнамолигида республикамизда спортни ривожлантириш масаласига устувор вазифалардан бири сифатида эътибор қаратилаётгани замирида ана шу ҳаётий ҳақиқат мужассамдир. Натижада юртимизнинг музаффар фарзандлари спортнинг кўплаб турлари бўйича жаҳонда тенгсизлигини амалда исботлаб, мамлакатимиз байроғини юксакларга кўтармоқда.*

*Дарҳақиқат, юртимизда спорт аллақачон оммавий ҳаракатга айланиб улгурди. Чунки ёшларнинг спорт билан шуғулланишлари учун барча шарт-шароит яратиб берилган. Мамлакатимизнинг чекка қишлоқларида ҳам замонавий спорт масканлари барпо этилиб, зарур жиҳоз ва инвентарлар билан таъминлангани шундай дейишимизга асос бўла олади.*

*Бундай хайрли тадбирлар кўлами йил сайин ошиб бораётгани фарзандларимизни болалик чоғидан спортга жалб этиш имконини бераётир. Масалан, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан шу йилнинг биринчи чорагида спорт иншоотлари қуриш ва реконструкция қилиш ишларига ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 3,3 баравар кўп маблағ ажратилиши туфайли спорт кошоналари сони янада ортди. Бу эртамиз эгалари бўлган ёшларнинг жисмонан бақувват, соғлом ва баркамол бўлиб вояга етишларига хизмат қилиши билан, айниқса, аҳамиятлидир.*

## ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМАСИ

**Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг кенгайтирилган Ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди.**

Унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорига асосан, давлат солиқ хизмати органларининг 2011 йил биринчи ярим йиллик фаолияти якунлари сарҳисоб қилиниб, Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларга тушумлар бўйича белгиланган прогноз кўрсаткичлари республика миқёсида тўлиқ бажарилганлиги эътироф этилди.

Шу билан бирга, Қорақалпоғистон Республикаси, Сирдарё ва Сурхондарё вилоятларида мавжуд имкониятлардан етарли даражада фойдаланилмаганлиги танқид остига олинди.

**Сарҳисоб**

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқ, жисмоний шахсларга 2011 йил учун ҳисобланган мол-мулк ва ер солиқларининг биринчи тўлов муддатига тааллуқли қисмини ундириш ҳамда солиқ қарзини мажбурий ундирувга қаратиш ишлари Сурхондарё, Хоразм ва Фарғона вилоятларида ўтказилган ўрганишлар натижалари мисолида танқидий таҳлил қилинди.

Давлат солиқ қўмитаси тизимида жорий этилган оптик толали алоқа каналлари имкониятларидан самарали фойдаланиш, Маълумотларни қайта ишлаш ва солиққа оид ахборотларни сақлаш маркази барпо этилишини жадаллаштириш, республика ҳудудлари, айниқса, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари солиқ органларида компьютер технологиялари ҳамда дастурий маҳсулотлар билан ишлаш самарадорлигини ошириш, бу борада йўл қўйилаётган айрим камчиликларни бартараф этишга доир вазифалар белгилаб берилди.

(Давоми 2-бетда).



*Инвестицияларсиз барқарор иқтисодий тараққиётга эришиб бўлмайди, албатта. Зеро, ишлаб чиқаришнинг ривожланиш суръатлари бардавомлиги сармоя киритиш ва ундан мақсадли фойдаланиш билан чамбарчас боғлиқдир. Бу эса иқтисодиётнинг барча тармоқларида кўзланган марраларни қўлга киритишда айни муддао. Масалан, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози асоратлари ҳали-ҳануз бартараф этилмаган бир шароитда республикамизда иқтисодий ўсишнинг барқарор суръатлари таъминланаётир. Хусусан, 2011 йилнинг биринчи чорагида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсиши 6,2 фоизни ташкил этди.*

# БАРҚАРОР ИНВЕСТИЦИЯ СИЁСАТИ

## мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётида муҳим аҳамиятга эга

**Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади.**

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси томонидан саноатга инвестициялар жалб қилиш масалаларига бағишланган семинарда ана шулар ҳақида сўз борди. Унда қуйи палата депутатлари, тегишли вазирлик ва идора ходимлари, мутахассислар ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Семинарда қайд этилганидек, Президентимиз бошчилигида рўёбга чиқарилаётган модернизация, техник ва технологик янгиланишлар иқтисодиёт ривожида муҳим омил бўлмоқда. Табиийки, бундай стратегик вазифаларни амалга оширишда мамлакатимизда олиб борилаётган инвестиция сиёсати ва қулай инвестициявий муҳит ҳал қилувчи роль ўйнаётир.

— Бундай қулай инвестициявий муҳит, ўз навбатида, республикамизда рақобатбардош, экспортбоп ҳамда импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришда қўл келмоқда, — дейди қўмита раиси И. Насриев. — Пировардида республикада саноат жадал ривожланиб бораяпти. Истиқлолнинг илк йилларида юртимиз ялпи ички маҳсулотида саноатнинг улуши 11 фоизни ташкил этган бўлса, айни пайтга келиб, мазкур кўрсаткич 24 фоизга етгани ҳам бунинг ёрқин тасдиғидир.

Тадбирда мустақиллик йилларида Ватанимизда нефть-газ, машинасозлик, энергетика, кимё, металлургия тармоқлари салоҳияти ортиб, ўнлаб янги йирик корхоналар барпо этилгани айтиб ўтилди. Уларда бугунги кунда бир миллиондан ортиқ киши меҳнат қилаётгани эътиборлидир.

— Бу ўринда саноатимиз равнақида янги тармоқ — ривожланган инфратузилмага эга автомобилсозликнинг йўлга қўйилганини алоҳида таъкидлаш лозим, — дейди қўмита аъзоси А. Содиқов. — “GM”, “MAN”, “Isuzu” каби жаҳонда етакчи ҳисобланган компанияларнинг замонавий ишлаб чиқариш технологиялари татбиқ этилгани боис мамлакатимизда халқаро бозор талабларига жавоб берадиган енгил ва юк автомобиллари, йўловчи ташувчи автобуслар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Қолаверса, кабель-ўтказгич маҳсулотлари, полиэтилен, машинасозлик ва бошқа тармоқлар учун эҳтиёт ҳамда бутловчи қисмлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Эришилган бундай ютуқларни мустаҳкамлашда Президентимиз қарори билан тасдиқланган 2011 — 2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари дастури муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Негаки, тадбирда тўхталиб ўтилганидек, мазкур ҳужжат мамлакатимизда умумий қиймати 47,5 млрд. АҚШ долларилик 519 та инвестиция лойиҳасини амалга оширишни кўзда тутади. Ушбу мақсадлар рўёби яқин беш йил ичида саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмини камида 60 фоизга кўпайтириш, унинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 2015 йилгача 28 фоизга етказишга хизмат қилади. Чунончи, машинасозлик, автомобилсозлик, кимё, озиқ-овқат ва фармацевтика соҳаларида ўсиш суръати икки баравардан ортади. Бунда қайта ишлаш тармоқлари улуши 2010 йилдаги 41 фоиз ўрнига 2015 йилда 49 фоизга кўтарилади.

— Қўлга киритилаётган бундай юксак марралар инвестициянинг кучи, қуввати самараси, албатта, — дейди ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири ўринбосари Ш. Тўлаганов.— Бу давлатимиз раҳбари томонидан юритилаётган оқилона иқтисодий сиёсат шарофатидир.

Семинарда бундай лойиҳаларни амалга ошириш хўжалик юритувчи субъектларининг ўз маблағлари, хорижий инвестициялар ва кредитлар, Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари, шунингдек, тижорат банклари ҳамда бошқа молия муассасалари кредитларини жалб этиш орқали молиялаштирилиши қайд этиб ўтилди.

Тадбирда бу борадаги ижобий ўзгаришлар билан бирга, айрим йўналишларда учраётган муаммо ва камчиликларни бартараф этиш лозимлигига ҳам эътибор қаратилди. Чунончи, маҳсулотлар ва хизматлар рақобатбардошлигини янада ошириш, ишлаб чиқаришда инновацион технологиялардан кенг фойдаланиш, бу борада корхоналар ва илмфанга ихтисослаштирилган ташкилотлар ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш, капитал қўйилмаларнинг ҳудудлар бўйича бир меъёрда тақсимланишини таъминлаш, чекка ҳудудларда ҳам саноатни изчил ривожлантиришга эҳтиёж сезилмоқда.

— Шу кунларда тайёрланаётган “Саноат сиёсати тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ушбу масалаларга ечим топишда ҳуқуқий асос вазифасини бажаради, — дейди қўмита аъзоси А. Байкулов. — Зеро, унда саноатни ривожлантириш, соҳа равнақига қаратилган дастурларга қўйиладиган талаблар ўз ифодасини топади.

Семинарда кўрилган масалалар бўйича тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

# ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ҳайъат йиғилишида, шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2011 йил 15 июлда бўлиб ўтган қўшма мажлисида “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” Давлат дастурининг бажарилиши юзасидан депутатлар томонидан республика ҳудудларида ўтказилган ўрганишлар якунлари бўйича кўтарилган масалалардан келиб чиқадиган вазифаларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Хусусан, тадбиркорлик субъектларининг бюджет олдидаги мажбуриятларини бажаришларига кенг қулайликлар яратиш ҳамда солиқ тўловчилар билан ўзаро муносабатларни янги босқичга кўтариш мақсадида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда, давлат солиқ хизмати органларини янада модернизация қилиш бўйича тасдиқланган режа ва дастурлар ижроси кўриб чиқилди.

Солиқ солиш базасини кенгайтириш, солиқ тўлашдан бўйин товлаш ҳолатларининг олдини олиш ва уларни бартараф этиш, хуфиёна иқтисодиётга қарши курашиш борасидаги назорат тадбирларининг натижалари, айниқса, Наманган ва Сирдарё вилоятларида етарли эмас, деб баҳоланиб, мазкур йўналишдаги ишларни янада кучайтириш талаб қилинди.

Кун тартибидаги ҳар бир масала юзасидан Давлат солиқ қўмитаси Марказий аппарати таркибий тузилмалари ҳамда ҳудудий солиқ органлари раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилиб, фаолиятида жиддий камчиликларга йўл қўйган 2 нафар раҳбар ходим эгаллаб турган лавозимидан озод этилди, 43 нафарига нисбатан тегишли интизомий жазо чоралари қўлланилди.

Йиғилишда давлат солиқ хизмати органлари зиммасига юклатилган вазифалар ижросини таъминлаш, иккинчи ярим йиллик кўрсаткичларини муваффақиятли бажариш юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Давлат солиқ қўмитаси Ахборот хизмати.**

# ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МУҲИМ КАФОЛАТИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шу сабабли ҳам ушбу қонунда тезкор-қидирув фаолиятининг асосий принциплари сифатида қонунийлик, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этиш, ошкора ва ноошкора усуллар уйғунлиги принципларини назарда тутиш мақсадга мувофиқдир.

Маълумки, тезкор-қидирув фаолияти махсус ваколат берилган давлат органларининг тезкор бўлинмалари томонидан инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, мулкини муҳофаза қилиш, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини жиноий тажовузлардан ҳимоялашни таъминлаш мақсадида тезкор-қидирув тадбирларини ошкора ва ноошкора ўтказиш орқали амалга ошириладиган фаолият ҳисобланади. Тезкор-қидирув фаолияти ўзига хос хусусиятларга эга эканлигини эътиборга олиб, қонунда мазкур фаолиятни амалга оширувчи органлар доираси ҳамда уларнинг ваколатлари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ белгилаб қўйилиши айни муддаодир.

Тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар ходимлари ва бундай фаолиятни амалга оширишга кўмаклашаётган шахсларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш масалаларининг қонунда назарда тутилиши эса уларнинг ҳуқуқий мақомини қонун йўли билан кафолатлайди.

Қонунда тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар томонидан қонунийликка риоя этилишини прокурорлар назорат қилиб бориши, ушбу органлар қарорлари ва улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги устидан прокурорга ёхуд судга шикоят қилиш тартиби белгиланиши мақсадга мувофиқдир. Чунки бу тартиб инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари таъминланишига хизмат қилади ҳамда халқаро ҳуқуқ нормаларига ҳар томонлама мос келади.

Хулоса ўрнида айтганда, “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши тезкор-қидирув тадбирларини амалга оширувчи ваколатли давлат органларининг фаолияти либераллашувига олиб келади, қонунийликка риоя этишнинг реал ҳуқуқий кафолатларини яратади ва инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини жиноий тажовузлардан муҳофаза этишни таъминлашда муҳим асос бўлиб хизмат қилади.

**Ю. ТУРСУНБАЕВ,**
**Олий Мажлис Сенати Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг раиси.**

# ЎСИМЛИКЛАР КАРАНТИНИ ВА ҚОНУНЧИЛИК

***Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда “Ўсимликлар карантини тўғрисида”ги Қонун талабларининг Ўсимликлар карантини бош давлат инспекцияси томонидан қандай ижро этилаётгани муҳокама қилинди. Мажлисда қуйи палата депутатлари, тегишли вазирлик ва идора ходимлари, мутахассислар ва ОАВ вакиллари иштирок этди.***

Таъкидланганидек, мамлакатимизда озиқ-овқат ва экологик хавфсизликни таъминлаш, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш мақсадида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилаётир. Бунинг учун мустаҳкам меъёрий-ҳуқуқий пойдевор яратилгани эса кўзланган ижтимоий-иқтисодий тараққиётни юксалтириш ва экологик барқарорликни мустаҳкамлаш имконини бераётир.

“Ўсимликлар карантини тўғрисида”ги Қонун бу борада муҳим аҳамиятга эга, албатта. Мазкур ҳужжат асосида Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги Ўсимликлар карантини бош давлат инспекциясининг ваколатлари белгилаб қўйилган.

Маълумот ўрнида айтиш лозимки, республикамизга хориждан уруғлар, ўсимликлар, кўчатлар олиб келиш учун “Ўзбошдавкарантин” инспекцияси томонидан Импорт карантин рухсатномаси (ИКР) берилса, чет мамлакатларга экспорт қилинаётган юкларга фитосанитар сертификати тақдим этилади.

Тадбирда юртимизга 2010 йил давомида чет давлатлардан юкларни олиб келиш учун 7605 нусха ИКР берилгани, юклар, мевали, манзарали кўчатлар, гуллар ва қаламчалар, ёғоч материаллари карантин назоратидан ўтказилгани маълум қилинди. Шунингдек, ўтган йили мамлакатимиздан экспортга чиқарилган юкларга 116645 нусха жаҳон андозалари даражасидаги фитосанитар сертификати топширилди. Бу кўрсаткич 2009 йилдагига нисбатан 55912 нусхага кўпдир.

Ўз навбатида, мазкур соҳада модернизациялаш ишлари изчил олиб борилаётгани бу борада назоратни самарали амалга ошириш имконини бермоқда. Боз устига, дунёда экологик муаммолар тобора чуқурлашаётган бир шароитда бу айни муддаодир.

Йиғилишда, шунингдек, Қонун ижросини таъминлашда бир қатор нуқсон ва камчиликларга йўл қўйилаётгани айтиб ўтилди. Жумладан, ҳозирги кунда Ўсимликлар карантини бош давлат инспекцияси ва унинг жойлардаги бўлинмалари, республикамиздаги илмий тадқиқот муассасалари моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, лабораторияларни зарур асбоб-ускуналар ҳамда жиҳозлар билан тўлақонли таъминлаш ҳақида таклиф ва тавсиялар билдирилди.

Тадбирда “Ўсимликлар карантини тўғрисида”ги Қонунда белгиланган нормаларнинг сўзсиз ижро этилиши юзасидан қўмита қарори қабул қилинди.

**Саиджон МАХСУМОВ.**

# НАВОИЙДА ТИББИЁТ ҲАФТАЛИГИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Навоий шаҳридаги 4-оилавий поликлиникада эллик нафардан ортиқ бемор кишилар саломатлиги кўрикдан ўтказилди.

— Юрак-ишемия касаллигига чалинганман, — дейди Навоий шаҳрида яшовчи Мухтор Шомуродов. — Поликлиникамизга Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази шифокорлари келиб, аҳолига тиббий ёрдам кўрсатаётганидан беҳад мамнун бўлдик. Менга Тошкентдаги Республика ихтисослаштирилган кардиология марказида даволаниш учун йўлланма берилди. Соғлом одамга байрамлар татийди. Насиб бўлса, пойтахт шифохонасида даволаниб, юртимизнинг энг улуғ, энг азиз байрами — мустақиллигимизнинг 20 йиллигини хурсандчилик билан кутиб олиш орзусидаман.

Пойтахтдан ташриф буюрган шифокорлар Навбаҳор туманида ҳам бўлдилар. Туманда аҳолининг репродуктив саломатлиги, тиббий маданиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айни пайтда бу ерда марказий шифохона, кўп тармоқли поликлиника, йигирмага яқин қишлоқ врачлик пункти аҳолига хизмат кўрсатаётир.

— Эл соғ бўлса, юрт бой бўлади, — дейди тумандаги “Қоражон” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ҳусан Қурбонов. — Маҳалламизда 2,5 минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади. Маҳалладошларимизнинг деярли барчаси пойтахтлик шифокорлар кўригидан ўтди. Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида халқимиз саломатлиги йўлида қилинаётган бундай хайрли ишдан, айниқса, кексаларимизнинг кўнгли тоғдек кўтарилди.

— Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллиги байрами муносабати билан ташкил этилган ушбу тадбирдан кўзланган мақсад юрак-қон томир касалликларининг олдини олиш, маҳаллий тиббиёт ходимларига бу борада амалий ёрдам кўрсатишдан иборат, — дейди Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази директори Равшан Қурбонов. — Соғломлаштириш ҳафталиги давомида марказимизнинг тажрибали шифокорлари аҳоли ўртасида юрак-қон томир касалликлари бўйича чуқур таҳлил ўтказиш билан бирга, мазкур хасталикларнинг олдини олиш юзасидан кенг тушунтириш ишларини ҳам ўтказишади.

Бундай тадбирлар аҳоли саломатлигини асраш йўлида юртимизда амалга оширилаётган ишлар самарасини янада оширишга хизмат қилиши, шубҳасиз.

**Ёрқул УМАР,**
**ЎзА мухбири.**

# ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН ИМКОНИЯТЛАР САМАРАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Жорий йилнинг тўрт ойидаёқ 2,2 миллион долларга етган экспорт ҳажми йил якунига келиб, ўн миллион доллардан ошиши кутилмоқда.

“Нестле” компаниясининг асосий йўналишларидан бири янги инвестицияларни жалб қилиш бўлиб, Наманган шаҳридаги корхонанинг ўзига сўнгги беш йилда бир миллион доллар қўшимча сармоя жалб этилди. Шунингдек, компания томонидан ишлаб чиқариш қувватини янада ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш, хусусан, болалар озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтиришнинг барча зарур чоралари кўрилмоқда. Корхона ишга тушган дастлабки йилларда 90 тонна болалар овқати ишлаб чиқарилган бўлса, 2010 йилда ички ва ташқи бозорга 600 тонна ана шундай маҳсулот етказиб берилди. Жорий йилда эса 900 тонна болалар овқати ишлаб чиқариш режалаштирилган. Кўрсаткичларнинг бу тарзда ўсиб бориши, ўз навбатида, корхонада ишлаб чиқарилаётган болалар озиқ-овқат маҳсулотларига талаб ортиб бораётганлигини кўрсатади.

*Компаниянинг бугунги кунда 250 киши ишлаётган Наманган корхонасида жамоани келгусида малакали мутахассислар билан тўлдириб бориш чоралари кўрилмоқда. Наманган тумани маиший хизмат кўрсатиш ва сервис касб-ҳунар коллежи ўқувчилари ўқув амалиётини шу ерда ўтамоқдалар.*

Шу боис бугунги кунда корхонада тайёрланаётган қаттиқ ва юмшоқ идишлардаги 2-3,2 фоизли “Нестле сутим”, “Нестле”, “Нестле-Шагайка” каби тўққиз турдаги сутли, олмали, бананли, гречкали, буғдойли, беш хил мевали ва беш хил донли болалар овқатларига талаб катта бўлмоқда.

— Корхонамиз бир кеча-кундузда 140 тонна сутни қайта ишлаш қувватига эга, — дейди қўшма корхона қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи Аброржон Маҳкамов. — Сут маҳсулотига эҳтиёжимиз жуда юқори. Шунинг учун вилоятдаги совутқич ва бошқа зарур ускуналар билан жиҳозланган 45 пунктда аҳоли, фермер хўжаликларидан сут қабул қилиш ташкил этилган. Топширилган сут учун ёғлилик даражаси ва сифатига қараб, пул ўтказиш йўли ва пластик карточкалар орқали ҳисоб-китоб қилинмоқда. Сут етказиб берувчилар билан ўзаро ишончли ҳамкорликни кучайтириш мақсадида олдиндан тўлов жорий этилган. Бу аҳолида сут тайёрлашга бўлган қизиқишни оширмоқда.

Дарҳақиқат, дастлабки йилларда аҳолидан йилига 7 минг тоннагача сут сотиб олинган бўлса, бугунги кунда бу кўрсаткич 16 минг тоннага етди. Шунингдек, чорвачиликка ихтисослаштирилган фермер хўжаликлари билан ҳам шартномалар тузилмоқда. Бироқ корхонанинг тўла қувват билан ишлаши учун бу етарли эмас.

— Бу йил амалиётни шу ерда ўтаган коллеж битирувчиларидан бир гуруҳини танлов асосида ишга қабул қилиш режалаштирилган, — дейди ходимлар билан ишлаш бўлими мутахассиси Зуҳра Енгаличева.

Айни кунларда мамлакатимизда яратилган кенг имкониятлар туфайли тобора равнақ топаётган “Нестле Ўзбекистон” қўшма корхонаси жамоаси Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллик байрамини янада улкан ютуқлар билан кутиб олиш иштиёқида астойдил меҳнат қилаётир.

**Акрамжон САТТОРОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# МАМЛАКАТИМИЗ СУВ ХЎЖАЛИГИДА МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР ЯНАДА КЎПАЯДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Лойиҳа уч йилга мўлжалланган бўлиб, Фарғона, Наманган ва Андижон вилоятларидаги 9 та коллежни қамраб олади. Бу таълим даргоҳлари сув хўжалиги иншоотларини, сув таъминоти ва канализация тизимларини бошқариш соҳаси учун мутахассислар тайёрлаш бўйича минтақавий марказларга айланади. Бундан ташқари, мазкур коллежларда ушбу йўналишда меҳнат қилаётган мутахассислар малака оширади, соҳада ишлаш истагида бўлган фуқаролар ўқитилади.

“Ўзбекистонда сув хўжалиги соҳасида касб кўникмаларини ривожлантириш” лойиҳаси Ўзбекистон ва Швейцария ўртасида 2002 йилда имзоланган Техник ва молиявий ҳамкорлик ҳамда инсонпарварлик ёрдами тўғрисидаги битим доирасида амалга оширилмоқда. Швейцария ҳукумати томонидан ушбу лойиҳа учун 3,4 миллион АҚШ доллари ажратилган.

— Ўзбекистонда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими юксак даражада ривожланган, — дейди лойиҳанинг халқаро раҳбари Ханс Дитер Хопфнер. — Мамлакатингизнинг барча ҳудудларида барпо этилган юзлаб замонавий коллежларда ўқувчилар умумтаълим фанлари ва ўзлари танлаган мутахассислик бўйича пухта билим олмоқда. Коллежлар Ўзбекистонда яратилган ноёб узлуксиз таълим тизимининг муҳим бўғинидир. Жаҳонда Ўзбекистон каби таълим соҳасини ривожлантиришга давлат бюджетидан бунчалик катта маблағ йўналтираётган бошқа мамлакатни топиш қийин. Бу мамлакат келажаги ва унинг янада равнақ топиши йўлидаги ғамхўрликнинг амалдаги ёрқин ифодасидир.

Лойиҳани амалга ошириш тўғрисидаги битимни Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази директори Ж. Исмоилов ва Швейцариянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Анн Боти имзоладилар.

**Анна ИВАНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# БИЛИМ, ИНТИЛИШ, ИСТИҚБОЛ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бундан ташқари, ОТМлар қабул комиссияларига топширилган ҳужжатларда қалбакилик аниқланса, унинг эгаси тест синовига қўйилмайди. Шунга ўхшаш ҳолат имтиҳонлардан кейин — ўқиш пайтида аниқланса ҳам талаба олий таълим даргоҳидан четлаштирилади. Ҳар икки ҳолатда ҳам бундай маълумот ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига тақдим этилади.

**— Айни пайтгача олий таълим муассасаларига кириш юзасидан келиб тушган аризалар сонини айта оласизми? Бу кўрсаткич бўйича қайси олий таълим муассасаси етакчилик қилмоқда?**

— Бу борадаги кўрсаткич ҳар куни ўзгариб турибди. Боз устига, кўп йиллик тажрибадан маълумки, абитуриентларнинг 40 фоизи ҳужжатларни охирги беш кунда топширади.

Таъкидлаш жоизки, республикамиз олий таълим тизими нуфузи йилдан-йилга ошиб бормоқда. Шунга мос равишда қабул комиссияларига келиб тушаётган аризалар сони ҳам кўпайиб бораётир. Хусусан, ўтган йили 385645 нафар абитуриент тест синовларида қатнашган бўлиб, бу мутлақ рекорд кўрсаткичдир. Ўшанда бир ўрин учун кураш олиб борувчилар сони ҳам энг юқори бўлиб, бир ўринга етти киши даъвогарлик қилганди. Жорий йилда бу кўрсаткич янгиланади, дейиш учун асослар етарли.

ОТМлар кесимида ўтган йили энг катта кўрсаткич Тошкент тиббиёт академиясининг Фарғона филиалида кузатилган. Яъни битта ўринга 18 нафар ўғил-қиз даъвогарлик қилганди. Умуман олганда, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети бу борада етакчилик қилмоқда. Бу давлатимиз раҳбари томонидан ушбу касб эгаларига кўрсатилаётган катта эътибор ва ғамхўрлик самарасидир.

Яна шуни айтиш жоизки, кўплаб абитуриентлар бир олий таълим муассасасидан бошқасига бориб, келиб тушган аризалар бўйича маълумот йиғади. Шундай қилиб, қаерда танлов камлигини аниқлашади. Албатта, уларни ҳам тушуниш мумкин. Шуни инобатга олиб, марказимиз сайтига (www.dtm.uz) қабул квоталари ва ҳар бир ОТМ ҳамда таълим йўналишига келиб тушган аризалар ҳақидаги маълумотлар киритиб борилмоқда. Бу ахборот ҳар куни янгиланаяпти. Демак, ўғил-қизларимиз учун зарур маълумотларни кўп вақт сарфламасдан, ҳатто, уйдан туриб ҳам олиш имконияти яратилди. Бу асосий вақтни тест



синовларига тайёрланишга сарфлашлари учун айни муддаодир.

**— Талаб юқори бўлган ихтисосликлар ҳақида нима дея оласиз?**

— Бир қатор таълим йўналишлари, хусусан, тиббиёт, юриспруденция, педагогика ва бошқалар қаторида замонавий ахборот технологиялари билан боғлиқ ихтисосликларга қизиқиш ортиб бораяпти. Шу маънода, Тошкент ахборот технологиялари университети ва унинг ҳудудлардаги бешта филиалида танлов юқори эканлигидан ажабланмаса ҳам бўлади. Бизнес ва бошқа йўналишлар билан боғлиқ ихтисосликлар ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин.

Умуман, сўнгги йилларда бакалавриат таълими ва магистратура мутахассислиги йўналишлари классификатори тубдан қайта кўриб чиқилди. Бинобарин, бу бозор талабларига тўла мосдир. Абитуриентлар бу ҳақдаги тўлиқ маълумотни Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг интернетдаги расмий сайтидан олишлари мумкин.

**— Бу йилги тест саволлари нимаси билан ажралиб туради?**

— Улар ўтган йилдагидан қийин бўлмайди ва ўқув дастурлари билан уйғундир. Тест саволларини тайёрлаш жараёнига таниқли олимлар, тажрибали ўқитувчи ҳамда методистлар жалб этилди. Бу борада бир неча ой давомида изчил ишлар амалга оширилди. Барчани ишонтириб айтишим мумкинки, абитуриентларга тақдим этиладиган тестлар махфийлиги тўлиқ таъминланган ва улар фақатгина тест синовлари бошланишига ярим соат қолганда аудиторияларда очилади.

**— Тест синовига кирадиган абитуриентларга қандай маслаҳатлар берган бўлардингиз?**

— Тан олиш керак, ҳозирги абитуриентларга чин дилдан ҳавас қилса, арзийди. Мустақиллик ёшларнинг билим олиши учун улкан имкониятлар эшигини очди. Илгарилари булар ҳақида орзу қилишнинг ўзи қийин эди.

Ёшларга ҳар бир фурсатни зое кетказмасдан, тест синовларига пухта тайёргарлик кўришларини маслаҳат бераман. Ва ишонаманки, энг кўп тайёрланган ва энг билимдонларга талаба бўлиш бахти насиб этади.

**Ильдар МУДАРИСОВ суҳбатлашди.**
**Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.**

**O'ZSANOATQURILISHBANK**

***Ўтаётган ҳар бир кун, ҳар бир дақиқа бизни энг улуғ, энг азиз айёмимиз — мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма йиллик шодиёналарига яқинлаштирмоқда. Аслида, бундай қутлуғ даврни йиллар билан эмас, балки амалга оширилган ишлар, ўзгаришлар, ислоҳотлар самараси билан ўлчаш ўринлидир. Зеро, шу қисқа фурсат ичида бажарилган ишларга назар ташласак, уларнинг натижасидан кўнглимиз ифтихорга тўлади. Юртимиздаги тинчлик, омонлик, хотиржамлик, бунёдкорлик ва фаровонликдан беихтиёр ғурурланасан, киши.***



## «Ўзсаноатқурилишбанк»:

# САРМОЯЛАР – БУНЁДКОРЛИК, ФАРОВОНЛИК АСОСИ

**Ана шу эзгу мақсад мазкур жамоанинг молиявий қўйилмалар бозорида бош мезон бўлмоқда.**

Дарҳақиқат, Истиқлол йилларидаги ўзгариш ва янгиланишларнинг барчаси инсон, унинг манфаатлари, юрт равнақи, ёш авлоднинг ёрқин келажаги учун қаратилгани барчага кундек равшан. Биз биргина банк-молия соҳасидаги ўзгаришларни инобатга олганимизда ҳам, республикамиз тараққиёти ва соҳа ривожи йўлида қанчалик улкан ишлар амалга оширилаётганига гувоҳ бўламиз.

Хусусан, кўп йиллик тарихга эга “Ўзсаноатқурилишбанк” ҳам мустақиллигимиз боис мамлакатимиз молия бозорининг етакчи тижорат банки мавқеига эришди. Ўтган давр мобайнида у тор доирадаги идоралар ва вакиллик пунктларидан йирик молиявий муассасага айлантирилди. Бугун бу жамоа юртимиз келажагига дахлдор йирик инвестициявий лойиҳаларни молиялаштириш, нефть-газ, энергетика, қурилиш, транспорт, алоқа ва таъминот корхоналарига молия-кредит хизматларини кўрсатиш, етакчи тармоқларни молиялаштиришдан тортиб, банкрот корхоналарни соғломлаштириш дейсизми ёки аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, тадбиркорликни ривожлантиришми, хуллас, барча соҳалар ривожига ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. “Ўзсаноатқурилишбанк” ўзининг 43 та филиали, 92 та минибанки, 168 та жамғармаси, 150 га яқин махсус касса ва шохобчалари орқали 1 миллиондан зиёд мижозга салкам 60 турдаги анъанавий ва замонавий банк хизматлари кўрсатаётгани унинг иқтисодий салоҳиятидан даракдир.

Энг қувончлиси, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳали-ҳануз давом этаётган бир пайтда “Ўзсаноатқурилишбанк” юртимиздаги бир қатор тижорат банклари қаторида нуфузли халқаро рейтинг агентликлари томонидан эътироф этилаётгани оламшумул воқеадир. Гап шундаки, бир йилнинг ўзида жаҳоннинг икки энг нуфузли — “Fitch Ratings” ва “Standart & Poor`S” халқаро рейтинг агентликлари “Ўзсаноатқурилишбанк” фаолиятини ижобий баҳолаб, уни ишончли ва барқарор молия муассасаси, деб эълон қилди. Табиийки, бундай эътироф тараққиётнинг “ўзбек модели” иқтисодий барқарорликка эришишимизнинг асосий омили бўлганлигидан далолат.

Ўз навбатида, бу банкнинг жаҳон молия бозорида ҳам ўзининг муносиб ўрнини топишга интилаётганини англатади. Қолаверса, халқаро даражадаги эътирофга сазовор бўлиш банк фаолиятининг барқарор натижалари, даромад кўрсаткичларининг изчиллиги, мижозлар сонининг ошиб бориши, ишончли, тезкор ва самарали фаолият кўрсатаётганлигининг ёрқин далилидир. Шу боис ҳозир “Ўзсаноатқурилишбанк” Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки, UBS, Landes Bank Berlin, Хитой “Эксимбанк”и, KfW ва дунёнинг бошқа бир қатор нуфузли молия муассасалари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамламоқда.

Маълумки, Президентимизнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида банк тизимини янада такомиллаштириш билан боғлиқ қатор долзарб вазифалар белгилаб берилди. Шунингдек, давлатимиз раҳбари томонидан 2011 йил юртимизда “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” деб эълон қилиниб, унга бинoан, Давлат дастури қабул қилинди. Эндиликда бу ҳаётий долзарб, мамлакатимиз тараққиётини белгилаб берувчи устувор вазифалар “Ўзсаноатқурилишбанк” фаолиятида муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Жумладан, банк кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, шу орқали аҳоли бандлиги ва фаровонлигини янада ошириш бўйича талай ишларни амалга оширмоқда. Жорий йилда ушбу йўналиш ривожи учун 292 миллиард сўм миқдорида кредит ажратиш режалаштирилган бўлиб, ҳозиргача бу маблағнинг 148,3 миллиард сўми йўналтирилди. Бунинг эвазига қўшимча 3 минг нафардан зиёд киши иш билан таъминланди. Бундан ташқари, ҳар бир филиалда тадбиркорларга қулайлик яратиш мақсадида намунавий “Тадбиркорлар хонаси” ташкил этилди. Мижозлар бу ерда малакали мутахассислар томонидан нафақат ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб, балки зарурий ёрдам ҳам олишлари мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, банк тадбиркорлик субъектларини янада рағбатлантириш ва молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида “Энг яхши бизнес лойиҳа”, “Энг яхши бизнес ғояси”, “Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси бўйича энг яхши бизнес лойиҳа”, “Аёл тадбиркорларнинг энг яхши бизнес лойиҳаси”, “Энг яхши инновацион лойиҳа” каби йўналишларда танловлар ўтказаётгани, айниқса, кўпчиликда қизиқиш уйғотмоқда.

Барчага аёнки, сўнгги вақтларда банкларнинг тасарруфига ўтказилган банкрот корхоналарни молиявий соғломлаштириш юзасидан амалга оширилаётган ишлар юксак баҳоланмоқда. Чунки, мамлакатимизда тижорат банкларини зарар кўриб ишлаётган ва иқтисодий ночор корхоналарни соғломлаштириш жараёнига жалб қилиш тажрибаси амалда ўзини оқлади. “Ўзсаноатқурилишбанк”нинг бу борадаги фаолияти фикримизга яққол мисол бўла олади. Бунда Президентимизнинг “Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони асосида банк балансига олинган банкрот корхоналарда ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, шу билан бирга, лойиҳавий инвестициялаш ҳамда инвестициявий кредитлар беришнинг комплекс чора-тадбирлари ишлаб чиқилгани ўз самарасини бераётир.

Маълумотларга қараганда, банк томонидан инвестициявий лойиҳаларни молиялаштириш мақсадида, шу йилнинг 1 июль ҳолатига кўра, 260 миллиард сўмлик кредит қўйилмалари ажратилган. Эътиборли жиҳати, банк тасарруфига олинган барча банкрот корхоналар негизида ташкил этилган янги субъектларда ишлаб чиқариш қайтадан йўлга қўйилди. Минглаб иш ўринлари яратилди. Йил бошидан буён эса жами 5,9 миллиард сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, ҳатто хорижга ҳам экспорт қилинди.

Албатта, “Ўзсаноатқурилишбанк”нинг кредит қўйилмалари бозоридаги фаолияти фақат шундангина иборат эмас. Масалан, банк томонидан шу йилнинг олти ойи давомида озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмини янада кенгайтириш учун жами 64,48 миллиард сўмлик кредитлар ажратилди. Шу билан бирга, жорий йил 1 июль ҳолатига кўра, аҳолига 4,9 миллиард сўмлик истеъмол, 2,9 миллиард сўм миқдорида ипотека кредитлари берилди.

Эътибор берганмисиз, биз қилинган ишлар ҳақида гапирганда, кўпинча уларни рақамлар ва фоиз ҳисобида ифодалаймиз. Ўзингиз хулоса қилинг, тижорат банкларининг катта миқдордаги кредитлари халқимиз фаровонлигини янада ошириш, юрт тараққиёти ва ободлиги учун ажратилаётган экан, бундан қувонмай бўладими? Бир қарашда оддий кўринган рақамлар негизида мана шундай муҳим ҳаётий масалалар ечими ётибди. Ҳар қандай рақам замирида инсон, унинг тақдири, юрт тараққиёти, гуллаб-яшнаши билан боғлиқ масалалар мужассамлигини айтмайсизми?

Шу ўринда “Ўзсаноатқурилишбанк”нинг пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини янада ривожлантириш борасидаги фаолияти хусусида алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Негаки, мазкур банк юртимизда пластик карточкаларни биринчилардан бўлиб муомалага чиқарган молия муассасаси ҳисобланади. Яқинда буни ҳатто халқаро баҳолаш ташкилотлари ҳам эътироф этди. Хусусан, “VISA International Service Association”га аъзо банклар орасида ўтказилган танловда “Ўзсаноатқурилишбанк” юртимиздаги Ҳисоб маркази сифатида танланди. Яъни эндиликда VISA пластик карточкалари воситасида кечадиган барча клиринг операциялари “Ўзсаноатқурилишбанк” орқали амалга оширилади.

Ҳақиқатан ҳам, банкнинг ушбу йўналишдаги фаолияти ҳам билдирилаётган халқаро эътирофларга яраша бўлмоқда. Биргина шу йилнинг олти ойи мобайнида ушбу молия муассасаси томонидан жами 700 мингдан ортиқ дона “VISA” пластик карточкаси орқали қарийб 7 миллионта транзакция ўтказилиб, тўловлар миқдори 226 миллиард сўмга етгани шундан далолат беради. Шуни ҳам унутмангки, “VISA” пластик карточкаси ҳисоб рақамидаги маблағлар банк сири ҳисобланади.

“Ўзсаноатқурилишбанк” пластик карточкаларининг яна бир афзаллиги шундаки, банк томонидан эмиссия қилинадиган АҚШ долларидаги “VISA Electron” ва “VISA Classic” пластик карточкалари дунёнинг исталган мамлакатида (“VISA” халқаро ассоциациясига аъзо бўлган банкларнинг савдо ва пуллик хизмат кўрсатиш шохобчаларида) бирдек тўлов қобилиятига эга. Шунингдек, АҚШ долларидаги “VISA Classic” пластик карточкаси эгалари интернет орқали барча тўловларни амалга оширишлари мумкин.

Бундан ташқари, “Ўзсаноатқурилишбанк” юридик ташкилотлар учун ҳам корпоратив “VISA Business” пластик карточкаларини таклиф қилмоқда. Улар бундай пластик карточкалар воситасида кундалик ва хўжалик харажатлар учун VISA савдо белгиси мавжуд бўлган терминаллар орқали нақд пулсиз тўловларни амалга ошириш имконига эгадирлар.

Кўриниб турибдики, “Ўзсаноатқурилишбанк” мижозларига юксак даражада хизмат кўрсатган ҳолда, уларга замонавий банк хизматларининг жозибадор турларини тақдим этмоқда. Мижозлар билан ўзаро ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, шунингдек, уларга тезкор, ишончли, кафолатли хизмат кўрсатиш банк ҳисобварақларидаги маблағлари ҳажмининг сезиларли даражада ошишига олиб келмоқда.

Шуни қатъий ишонч билан айта оламизки, “Ўзсаноатқурилишбанк” жамоаси бундан буён ҳам кўрсатилаётган хизматларнинг барча турлари бўйича етакчилигини мустаҳкамлаб, молиялаш кўламини янада кенгайтираверади. Янги лойиҳалар, ғоялар устида тинимсиз изланиб, мижозлар эҳтиёжи учун қулай ва сифатли бўлган хизмат турларини таклиф этаверади.

## РАҚАМЛАР ЗАМИРИДА ТАРАҚҚИЁТ МУЖАССАМ

- **“Ўзсаноатқурилишбанк” инвестициявий лойиҳаларни молиялаштиришда алоҳида фаоллик кўрсатмоқда. Шу йил 1 июль ҳолатига кўра, банк томонидан ушбу мақсадга йўналтирилган кредитлар қиймати 260 миллиард сўмни ташкил қилди.**
- Жорий йилнинг олти ойи мобайнида банк Низом жамғармаси 132,9 миллиард, умумий активлар миқдори 2 триллион 4 миллиард сўмга тенг бўлди.
- **Шундай юксак натижаларга эришаётган “Ўзсаноатқурилишбанк” жаҳон молия бозорида ҳам ўз салоҳиятини янада мустаҳкамламоқда. Бир йилнинг ичида дунёнинг икки энг нуфузли – “Fitch Ratings” ва “Standart & Poor`s” халқаро рейтинг агентликлари мазкур банк фаолиятини муносиб баҳолаб, уни истиқболли, ишончли ва барқарор молия муассасаси сифатида эътироф этди.**
- Банк 43 та филиали, 92 та минибанки, 168 та жамғармаси, 150 га яқин махсус касса ва шохобчалари орқали 1 миллиондан зиёд мижозга салкам 60 турдаги анъанавий ва замонавий банк хизматлари кўрсатаяптики, бу унинг иқтисодий салоҳиятидан даракдир.
- **Ҳозир “Ўзсаноатқурилишбанк” Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки, UBS, Landes Bank Berlin, Хитой “Эксим банк”и, KfW ва дунёнинг бошқа бир қатор нуфузли молия муассасалари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамламоқда.**



Энг муҳими, банк миллий молия тизимини янада барқарорлаштириш, иқтисодиётнинг реал тармоғига инвестицияларни кўпроқ жалб этиш ва шу орқали мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтиришни ўзининг устувор вазифаси, деб билади.

Модомики шундай экан, аҳоли фаровонлигини янада ошириш, буюк ва муқаддас, мустақил Ватанимизнинг тараққиёти, ободлиги йўлида хизмат қилиш “Ўзсаноатқурилишбанк” жамоасининг диққат марказидаги энг муҳим масала бўлиб қолаверади.

**Ф. САНАЕВ.**

# «UCELL»НИНГ ЯНГИ БРЕНДИ

**2011 йил 16 июнь куни “Ucell” янги бренд кўринишини тақдим этди. Бу билан компаниянинг муваффақиятли тарихида янги саҳифа очилди. Шунингдек, компания ўз мижозларига янги, қулай таклиф ва хизматларни ҳам ҳавола этди.**

Қайд этиш жоизки, “Ucell” Ўзбекистондаги иккинчи мобиль оператори ҳисобланиб, Европадаги энг йирик телекоммуникацион операторлар ичида бешинчи ўринда турувчи “TeliaSonera” аъзосидир. Ўзига хос бу бренд ва рамз аслида 2009 йилда “TeliaSonera” гуруҳининг Евроосиё ҳудудидаги компаниялари фаолияти учун тақдим этилган. 2011 йилнинг 12 майидан эътиборан, ушбу бренд фаолияти кенгайиб, Шимолий Европа ва Болтиқбўйи давлатларидаги операторлари учун ҳам ягона рамзга айланди. Шунингдек, ҳозир 18 та савдо белгиси “TeliaSonera” гуруҳи ягона бренди остида бирлашган.

Янги бренд ҳам “Ucell”нинг аввалги тўқ бинафша рангини сақлаб қолган. Шунингдек, мазкур бренд кўринишидаги янги рамзда илҳом уйғотувчи, бежирим айлана шаклидаги тош мавжуд. Ғайратшижоатни англатувчи бу рамз “TeliaSonera” компанияларини бир оила сифатида бирлаштиради.

— Олдинги брендимиз рамзи эндиликда ҳозирги “Ucell” ва келажак мақсадларимизни ифодалай олмайди, — дейди “Ucell” компанияси бош директори Огуз Мемигювен. — Шу сабабли брендимизни ўзгартираяпмиз. Янги рамзга монанд “Ucell”нинг фаолияти ҳам тубдан ўзгаради. Биз бугунга келиб барча шахсий хизмат турларини, маҳаллий оператор сифатида ўзига хос “ноу-хау”ни изчил ва халқаро инновацион технологияларни қўллаган ҳолда татбиқ этмоқдамиз. “Ucell” янги бренди ажойиб хизматлар, замонавий ва инновацион технология ҳамда таклифларни ўзида мужассамлаштиришга хизмат қилади. Маҳсулотларимиз, кўрсатаётган хизмат турларимиз ва бизнес таклифлар мижозларимизнинг махсус талаб ҳамда эҳтиёжларига тўғри келишини таъминлаган ҳолда, уларга янада эътиборлироқ бўламиз.

Кетма-кет уч йилдан буён “Ucell” абонентларни жалб қилиш бўйича пешқадамлар сафида бўлиб келмоқда. Бу яқинда абонентлар сони 8 миллион нафарга етгани мисолида ҳам кўриниб турибди. 2008 йилнинг бошида абонентлар сони 700 000 нафарни ташкил этганини ҳисобга олсак, бу ҳақиқатан ҳам юқори кўрсаткич эканлиги маълум бўлади. Ўз навбатида, бундай ижобий натижалар компаниянинг алоқа бозоридаги улуши 10 фоиздан 34 фоизга ошишига олиб келди.

Қолаверса, “Ucell” биринчи бўлиб учинчи авлод тармоғини жорий қилди ва бугунги кунда у бозор миқёсида “3G” алоқаси борасида пешқадам бўлиб турибди. Шунингдек, компания биринчилардан бўлиб “4G” алоқани жорий этганлигини ҳам айтиб ўтиш ўринлидир. Янги тариф ва қўшимча хизматлар таклиф этилаётгани эса мижозларнинг компанияга бўлган ҳурматини оширмоқда. Ҳозир “Ucell” 316 дан ошиқ халқаро роуминг шартномалар асосида жаҳондаги 153 дан ортиқ давлатларда алоқа ўрнатиб келаётгани ҳам унинг нуфузи ошиб бораётганидан далолат беради.

Компания фаолиятида яна бир муҳим воқеа юз берди. Унинг янги иш биноси тақдимоти бўлиб ўтди. Шаҳар марказида жойлашган ушбу бино “TeliaSonera”нинг Ўзбекистон Республикасида узоқ муддатли фаолият олиб боришни мақсад қилганидан далолатдир.

Янги брендни сингдириш билан компания абонентларига ўзига хос ва жуда қулай бир қанча хизматлар тури таклиф этилди.

Хусусан, “Ucell” дунёси” янги тариф режаси асосида “Ucell” қўнғироқлари учун жуда арзон нархлар (ҚҚС билан 1/10 цент) ва кенг кўламли Интернетга уланиш (ҚҚС билан бир мегабайт учун 4 цент) сифатида тақдим этилмоқда. Қўшимча равишда “Ucell” мижозлари учун мобиль пакетларини, дунё миқёсидаги компаниялар — “Samsung”, “Huawei” ва “ZTE” телефон жиҳозлари ва “3G” модемлари ҳавола қилинмоқда.

## КОМПАНИЯ ҲАҚИДА

*ХК COSCOM МЧЖ 1996 йилда ташкил топган. 2008 йил июнь ойидан бошлаб мамлакатимизда “Ucell” савдо белгиси остида уяли алоқа хизматини кўрсатаётир. 2011 йил март ойига келиб компания абонентлари сони 8 миллион нафардан ошди. “Ucell” Европада етакчи телекоммуникация оператори “TeliaSonera” таркибига киради. Ҳозир мазкур алоқа оператори Скандинавия, Болтиқбўйи давлатлари, Испания ва Евроосиёдаги ривожланаётган давлатларда, шу жумладан, Россия ва Туркияда фаолият олиб бормоқда. Бугунги кунда “TeliaSonera” умумий аҳолиси 460 миллион нафарни ташкил этувчи 20 та давлатда хизмат кўрсатаётир. 2010 йилда “TeliaSonera”нинг соф савдо кўрсаткичлари 15 миллиард АҚШ долларини ташкил этганди. Компания ходимлари сони 29 минг нафар.*

*“TeliaSonera” Евроосиёнинг тараққий этаётган бозорларида Ўзбекистон (“Ucell”), Қозоғистон (Kcell), Озарбойжон (Azercell), Грузия (Geocell), Молдова (Moldcell), Тожикистон (Tcell), Непал (Ncell) ва Камбожада (Star-Cell) каби етакчи уяли алоқа операторларининг асосий акциядори ҳисобланади. Бундан ташқари, “TeliaSonera” Россиядаги “МегаФон” ҳамда Туркиядаги “Turkcell” компанияларининг миноритар акцияларига ҳам эгалик қилади.*

*Хизматлар лицензияланган.*

Спорт ● Sport ● Спорт ● Sport

*Бугунги кунда мамлакатимизда миллий қадриятларимизни тиклаш ва ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг самараси барча соҳаларда намоён бўлаётир.*

# МИЛЛИЙ КУРАШИМИЗ ДОВРУҒИ

Хусусан, миллий курашнинг халқаро миқёсда кенг оммалашиши ҳам давлатимиз раҳбарининг миллий анъаналаримизни тиклашга қаратаётган юксак эътиборининг амалий ифодаси бўлди.

Биласиз, дунёда миллий спорт турлари кўп. Аммо уларнинг жаҳон миқёсида оммалашиши учун бир неча асрлар керак бўлган. Шу маънода, миллий курашнинг халқаро миқёсда бу қадар тез оммалашиши унинг ўзига хос фазилатларни мужассам этгани билан боғлиқдир. Негаки, курашга хос ҳалоллик, рақибни ҳурмат қилиш ва тантилик хислатлари унча-мунча спорт турларида учрамайди, десак, муболаға бўлмайди. Қисқа фурсатда барча қитъаларда Кураш конфедерациялари ташкил этилиши ҳамда мазкур спорт тури билан шуғулланувчилар сони кундан-кунга ошиб бораётгани ҳам бунинг ёрқин далилидир. Қолаверса, бугунги кунда Кураш халқаро ассоциациясига юздан зиёд мамлакат аъзо ҳисобланади. Мазкур спорт тури бўйича жаҳон ва қитъа чемпионатлари ҳамда халқаро турнирлар мунтазам ўтказилмоқда. Дунёнинг машҳур ареналарида кураш мусобақаларини бошқариб бораётган ҳакамлар, қайси миллатга мансублигидан қатъи назар, "ҳалол", "чала", "ёнбош", "дакки", "ғирром" каби ўзбекча атамаларни худди ўз она тилидаги сўзлар каби талаффуз қилмоқдалар. Бундан фахрланмай, ғурурланмай бўладими?

Яқинда Япониянинг Токио шаҳрида Осиё олимпия кенгашининг навбатдаги Бош ассамблеяси бўлиб ўтди. Унда 2013 йили Жанубий Кореянинг Инчеон шаҳридаги ёпиқ иншоотларда ўтказиладиган ҳамда жанговар яккакурашлар бўйича IV Осиё ўйинлари дастури муҳокама этилди. Олдин алоҳида ўтказилган ушбу икки нуфузли мусобақанинг қўшилиши натижасида унинг дастуридан фақат дунё миқёсида жадал ривожланаётган спорт турлари ўрин олди.

Қувончлиси, Осиё олимпия кенгаши қарорига кўра, кураш ёпиқ иншоотлардаги ва жанговар яккакурашлар бўйича ўтказиладиган IV Осиё ўйинлари дастурига расман киритилди. Қайд этилишича, мазкур нуфузли турнирда эркаклар ва аёллар ўртасида 14 вазн тоифасида беллашувлар ўтказилади. Бу, албатта, ўзбек курашининг халқаро миқёсдаги обрўси янада юксалиб бораётганига ёрқин бир далил бўлиши билан бирга, унинг Олимпия ўйинларига кириши сари қўйилган навбатдаги дадил қадам бўлди.

**Фазлиддин АБИЛОВ.**

# БИТИРУВЧИГА ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТ

***"Микрокредитбанк" ОАТБнинг Жарқўрғон филиали тумандаги саноат касб-ҳунар коллежининг тўрт нафар битирувчисига 6 миллион 900 минг сўм миқдорида кредит ажратган эди.***

**Ибрат**

Ушбу маблағ эвазига Умиджон Бибитов тикув машиналари ва хом ашё харид қилиб, ўзи яшайдиган Ҳайитобод қишлоғида цех очди. Ибогул Тошбоева, Бобуржон Ирназаров ҳамда Тўйли Алиқулов чорвачилик ва паррандачилик хўжалигини ташкил қилдилар.

Қувонарлиси, Сурхондарё вилоятидаги тижорат банклари бу йил 631 нафар битирувчига 1 миллиард 273 миллион сўм кредит ажратишни режалаштирмоқда.

**О. УСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Реклама ва эълонлар






# ТАЭКВОНДОЧИЛАРИМИЗ ҒАЛАБАСИ

***Яқинда Жанубий Кореянинг Мужу шаҳрида таэквондонинг WTF йўналиши бўйича сайёрамизнинг энг нуфузли спорт фестивалларидан бири — ёшлар ўртасида V Мужу Халқаро таэквондо фестивали бўлиб ўтди.***

Мужу шаҳри ҳокимияти, Жанубий Кореянинг WTF Таэквондо ассоциацияси ҳамда Таэквондони ривожлантириш жамғармаси томонидан ташкил этилган ушбу фестиваль шуниси билан ажралиб турадики, унда иштирок этувчи спортчилар ўз мамлакатлари ва халқаро миқёсдаги турнирларда совриндорлар сафидан жой олган бўлишлари талаб этилади.

Фестиваль доирасида таэквондонинг керуги ҳамда пумсе йўналишлари бўйича мусобақалар, кўргазмали чиқишлар, шунингдек, турли хил кўнгилочар дастурлар намойиши бўлиб ўтди. Сайёрамизнинг 30 та давлатидан 1000 нафардан зиёд ёш спортчи иштирок этган мусобақада мамлакатимиз вакиллари ҳам муваффақиятли қатнашдилар. Яъни юртимиз шарафини ҳимоя қилган 8 нафар таэквондочининг барчаси совриндорлар сафидан жой олди. Жумладан, керуги йўналишида Амирбек Файзиматов, Владимир Пак, Дейхан Хегай, Шоҳрух Юлдашев биринчи, Фахриддин Носиров, Алексей Ким, Артём Будагов иккинчи, Марк Хвон эса учинчи ўринни қўлга киритди. Пумсе йўналишида кечган беллашувларда Алексей Ким биринчи, Марк Хвон иккинчи, Амирбек Файзиматов, Владимир Пак, Фахриддин Носиров, Дейхан Хегай, Артём Будагов, Шоҳрух Юлдашев учинчи поғонани эгаллади.

Маълумот ўрнида айтиб ўтамиз, таэквондонинг WTF йўналиши бўйича Ўзбекистон терма жамоасининг асосий таркиби шу кунларда Жанубий Кореянинг Чунчон шаҳрида давом этаётган "Чунчон опен — 2011" халқаро турнирида муваффақиятли қатнашмоқда. Ҳозирга қадар ўтган беллашувларда терма жамоамиз аъзолари 5 та олтин, 2 та кумуш ва 3 та бронза медалини қўлга киритишди.

**Ф. ИБРАГИМОВ.**










## ОБ-ҲАВО (20 июль)

**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти.** Ҳаво бир оз булутли бўлади, ёғингарчилик кузатилмайди. Кечаси 18-23, кундузи 32-37 даража иссиқ бўлади.

**Бухоро ҳамда Навоий вилоятлари.** Ёғингарчилик бўлмайди. Ҳарорат тунда 18-23, кундузи 33-38 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари.** Ҳаво булутли бўлади, ёғингарчилик кузатилмайди. Кечаси 18-23, кундузи 33-38 даража иссиқ бўлади.

**Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари.** Ёғингарчилик кутилмайди. Кечаси 19-24, кундузи 35-40 даража иссиқ бўлади.

**Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кузатилмайди. Тунда 18-23, кундузи 32-37 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент шаҳри.** Ёғингарчилик бўлмайди. Ҳарорат тунда 18-20, кундузи 34-36 даража иссиқ бўлади.

**Республикамизнинг тоғли туманлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кузатилмайди. Кечаси 11-16, кундузи 21-26 даража иссиқ бўлади.

**«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.**

Тошкент молия институти жамоаси Минтақавий иқтисодиёт кафедрасининг катта ўқитувчиси Ҳикматилла Аллабергановга турмуш ўртоғи

**Малика МУХТАРОВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси жамоаси Олмалиқ кон техника инспекцияси бошлиғи Маҳмут Азимовга умр йўлдоши

**Қизилгул АЗИМОВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 754. 51824 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Қ. Хидиров.
Навбатчи — М. Охунова.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.20 Топширилди — 22.40 1 2 3 4 5